

ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1458

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ**

**НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО  
ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА**



**2021 йил 6-сон**



**Бош муҳаррир:** Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов

**Масъул муҳаррир:** Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов

**Масъул муҳаррир ўринбосари:** Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи Р.Жалалов

### **ТАҲРИРҲАЙЪАТИ**

**Физика-математика фанлари:** акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., доц. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., проф. Б.Саматов, ф-м.ф.д., доц. Р.Хақимов, ф-м.ф.д. М.Рахматуллаев.

**Кимё фанлари:** акад. С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф. Т.Азизов.

**Биология фанлари:** акад. К.Тожибаев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. доц. А.Баташов, б.ф.н.

**Техника фанлари:** - т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.

**Қишлоқ хўжалиги фанлари:** – г.ф.д., доц. Б.Камалов, к-х.ф.н., доц. А.Қазақов.

**Тарих фанлари:** – акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.

**Иқтисодиёт фанлари:** – и.ф.д., проф. Н.Махмудов, и.ф.д., проф. О.Одилов.

**Фалсафа фанлари:** – акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.

**Филология фанлари:** – акад. Н.Каримов, фил.ф.д., проф. С.Аширбоев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д., проф. Ҳ.Усманова, фил.ф.д., проф. Б.Тухлиев, фил.ф.н, доц. М.Сулаймонов.

**География фанлари:** - г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф. А.Нигматов.

**Педагогика фанлари:** - п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф. Ш.Хонкелдиев, PhD П.Лутфуллаев.

**Тиббиёт фанлари:** – б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.

**Психология фанлари** – п.ф.д., проф. З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова

**Техник муҳаррирлар:** **Н.Юсупов, Г.Акмалжонова**

**Таҳририят манзили:** Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.

**Тел:** (0369)227-01-44, 227-06-12 **Факс:** (0369)227-07-61 **e-mail:** [iltiy@inbox.uz](mailto:iltiy@inbox.uz)

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

“НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ” журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги (АОКА) томонидан 2020 йил 29 август куни 1106-сонли гувоҳнома га биноан чоп этилади. “НамДУ Илмий Ахборотномаси” электрон нашр сифатида ҳалқаро стандарт туркум рақами (ISSN-2181-1458)га эга НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 10.05.2021 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 6). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

**НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2021**



Таҳлиллардан ойдинлашаётгирки, Насимий ижодининг Фурқат лирикасига таъсири мавжуд. Ушбу таъсирни ғазаллар таҳлили асосидаги хулосаларда қуйидагича кўриш мумкин:

- 1) Фурқатнинг шеъри Насимий каби пейзаж ғазал бўлиб, баҳор таърифи келтирилган;
- 2) Фурқат ғазалида ҳам Насимий сингари қофиядаги оҳангдошликни сақлаб қолган (саҳролар- гулураънолар; зимистонлар- гулистонлар );
- 3) Фурқат ғазалида ҳам Насимий сингари инсон умрининг ўткинчилиги, ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланиш лозимлиги таъкидланади (Омонатдир жаҳон, беш кун ғаниматдир тамошолар - Дўстлар, ғаниматдур, сайр этинг гулистонлар);

Демак, озар халқининг истеъдодли шоири Насимий ижоди ўзбек шоирлари учун ҳам илҳом манбаи бўлиб хизмат қилган. Шоирнинг ўлмас ғоялари, бетакрор ифодалари бир неча асрлар мобайнида ўзбек мумтоз адабиётида адабий таъсирнинг нодир намунаси сифатида яшаб келди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар иккала ижодкорнинг жамият ва инсон ҳақидаги қарашлари табиат мавзуси билан уйғунлашиб кетган. Ижодкорлар руҳиятидаги кечинмалар, қалб тугёнлари билан табиат ҳодисалари ўртасидаги вобасталик нозик дид ва бадиий тафаккур орқали намоён бўлган.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Арасли Ҳ. Насимий. Т.: Фан. 1973й.
2. Насимий И. Асарлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977й.
3. Носиров О., С.Жамолов., М.Зиёвуддинов. Ўзбек классик шеърляти жанрлари. Тошкент:, Ўқитувчи, 1979 й.
4. Фурқат. Танланган асарлар. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1975й.
5. Қаюмов А. Шеърят жилолари. Т.: Ўқитувчи.1992й.

#### **БАХШИНИНГ БАДИИЙ МАҲОРАТИ**

Абдумурод Тилавов, филология фанлари номзоди,  
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат  
Ўзбек тили ва адабиёти университети ўқитувчиси

**Аннотация:** Нодир истеъдод соҳиби халқ бахшисининг бадиий маҳорати дostonлардаги от образининг тасвири давомида кўринади. Мақолада «Алпомиш», «Жорхун Мастон», «Нуралининг ютилиши» дostonларидан келтирилган парча ва таҳлиллар орқали ушбу масалага ойдинлик киритилади.

**Калит сўзлар:** бахши, Бойчибор, Қоражон, табиат, Ғирот, кўнгул, бадиий маҳорат.

#### **ХУДОЖЕСТВЕННОЕ МАСТЕРСТВО БАХШИ**

**Аннотация:** Художественное мастерство талантливого народного бахши (певца) проявляется в изображении коня в былинах. В статье проясняется проблема через отрывки и анализ эпосов «Алпомиш», «Джорхун Мастон», «Порожения Нурали».

**Ключевые слова:** бахши, Бойчибор, Қоражон, природа, Ғират, сердце, художественное мастерство.



## THE ARTISTIC SKILLS OF BAKHSHI

**Annotation:** *The artistic skill of the talented folk singer is evident throughout the depiction of the image of "horse" in the epics. The article clarifies this issue through passages and analyzes from the epics "Alpomish", "Jorhun Maston", "Nurali's swallow".*

**Keywords:** *bakhshi, Boychibor, Qorajon, nature, Girat, heart, artistic skill.*

Бахшининг бадиий маҳорати, отнинг руҳий ҳолатини ўта нозик, турли усулда тасвирлаб беришида намоён бўлади. "Алпомиш" даги шу лавҳага эътибор берайлик.

Бойчибор от узоқ йиллик айрилиқдан сўнг энаси Тарлон бия билан топишади. Ҳақимбек (Алпомиш)нинг ҳам ота-онаси, ёр-дўстлари билан кўришмаганига анча бўлган.

*Кишнаб шундай Тарлон бия келади,  
Хайвонлар шундай меҳрибон дейди.  
Дийда гирён бўлиб ўпка тўлади,  
Ҳақимбекнинг кўз ёши сел бўлади,  
Бу сўздайтиб от устида боради:  
Менинг билан ҳамро бўлган Бойчибор,  
Мендан бурун сен топишдинг жонивор. [1. 316]*

Бойчиборининг Тарлон бия билан топишганига Ҳақимбек хурсанд бўлади. Айни пайтда ота-она соғинчи, етти йиллик айрилиқ азоби яна бир бор вужудини ўртайди. Чунки кўз олдида тақдирдоши, содиқ ҳамроҳи Бойчибор, она дийдорига етишишдек бахтиёр дамларни кечаётган эди. Алпомишнинг **энтикиб** (таъкид биздан – А.Т.) айтган қуйидаги сўзларидан ҳам унинг аҳволини англаш қийин эмас:

*Ўкраниб энангни эмгин, Бойчибор,  
Мен ҳам борсам сендай кулба хонама,  
Сендай бўп топишмас гариб энама,  
Сени кўриб ўт туташди танама.  
Ийдириб энангни эмгин, Бойчибор. [1. 317]*

Мана шу ўринда бахши Бойчибор отдаги ўта инжа бир вазилатни зўр бадиий маҳорат билан ифодалаб беради. Балки ҳаётдаги энг тотли, лаззатли онларини яшаётган Бойчибор, эгаси Алпомишни ўйлаб, унинг кўнглини чўқтирмайин, дея нафсини енгади – эмишдан дарҳол тўхтайтиди, доно халқимизнинг ифодаси билан "томоғидан овқат ўтмай қолади":

**Яна ҳам бу марднинг кўнгли чўқар, деб  
Бойчибор эмчакдан олди бошини. [1. 319]**

Дарвоқе, отнинг инсон кўнглидаги ниятни пайқашни, шунингдек, бу хайвонда ажиб КЎНГИЛ, ҳис-туйғу, кечинма борлиги ҳақида жуда ибратли воқеа-ҳодисалар эшигганмиз.

Энди "Алпомиш" достонидаги қуйидаги лавҳага диққат қилинг: **"Қовдан еб ётиб, хоннинг Чибор оти шундай қаради: Қалмоқ тарафидан ўн тўрт қора от кўзига кўринди. Бул қорани кўриб, отнинг чайнаб ётган қовдони ҳам томоғидан ўтмай қолди. Отнинг кўнглидан кечгани шул бўлди, кўнглига шундай келди: "Бу келаётган отлар тулпор бўлса, устида мингани душман – кофир бўлса, Алпомиш мени миниб қочса, кейинимдан қувиб етса, бир шўрнинг ёлғиз ўғли ўладиган**



бўлди-да” (102). Бироқ келаётган отларнинг “тайпанглаб йўртиб, туёғи ерни туртиб” келаётганини кўриб кўнгли хотиржам бўлган Бойчибор: “Қувсам, етаман экан, қочсам қутилиб кетаман экан, устимга минган мардимни чин ажал қамсаб келмаса, фалокатдан озод қип кетаман экан”, – деб қарсиллатиб қовдонни ура берди”. [1. 102]

“Бу отнинг кўнглига бир шумлик келди”, дея Бойчибор отдан гумонсираган Қоражоннинг аҳволини сезган Бойчиборнинг ерга кўниши – қанотдан тўла фойдаланмагани, инчинун, тўрт оёғида гулмих қоқилган ҳолда югуришдек қийноққа дош бериши ҳам эпосда мантиқий асосга эгадир.

Алпомиш номидан унинг оти Бойчиборни миниб совчиликка бораётган Қоражон отга қаттиқ қамчи ургач от анча безовта бўлади ва “лўкиллаб йўртади”.

“Бул от билан ҳеч иш келмас кўлингдан”, дея отдан шикоят қилган Қоражонга “Бойчиборим хор бўлдим, деб йиғлайди”, дейди ва отга бекорга жабр қилмасликни, чин дидан калима қайтаришни маслаҳат беради. Қоражон “минган оти назари, албатта дини барҳақ” дея астойдил калима қайтаргандан сўнггина от йўлга тушади. Бироқ Бойчибордаги қайсарликнинг яна бир сабаби бор эди. Назаркарда от устидаги Қоражоннинг кўнглидан ўтган ёмон ниятидан воқиф эди: “Қоражон боғона отни минган вақтда, Қоражоннинг кўнглига кеп эди: “Шу отини бўлса олдим, динидан қайтиб қалмоқларнинг ичига кетсам”, деб эди. Шундай гап кўнглига кеп эди, ул сабабдан от юрмай ётиб эди”. [1. 144]

Достончиларимизнинг ҳақиқий санъаткор аҳли эканлигини, бадиий маҳоратини намоён этувчи яна бир муҳим жиҳат бор. Бахши керакли ўринда табиат ва табиат ходисалари (фалак, булут, жала, тоғ, қор ва ҳоказо) воситасида жанговар отдаги ҳолатни тасвирлайди. Ва, табиийки, бу от образининг янада тўлақонли, бадиий жиҳатдан мукамал ва жонли чиқишини таъминловчи факторлардандир. Мастон солган чангаллар туфайли сонларидан тирқираб қон чиққан Ғиротнинг ҳолати:

*Жониворга жабр ўтиб боради,  
Фалакда гуриллаб икки кишнади.  
Қизил қонлар бу фалакдан томчилар,  
Вафодор Ғир икки кўзин ёшлади.  
Зарбидан ерлар ҳам қазилиб кетди,  
Даралар, товлар ҳам бузилиб кетди.  
Авазга узалди бўйинини чўзиб,  
Соқининг кўнгли ҳам эзилиб кетди.*[2. 74]

Баъзан отдаги руҳий ҳолат билан табиатдаги ҳолат ўзаро уйғунлашиб кетгандек бўлади гўё:

*Авазнинг тўшига бошини қўйди,  
Булутлар туролмайд жалосин қуйди.  
Ғиротнинг кокилин Аваз искади  
Соқи ҳам хўрсиниб Ғиротни суйди.  
Ғиротнинг ёлини Аваз силади,  
Туролмайд тоғларнинг боши қулади.  
Авазман Соқини искан жонивор,  
Қорлар ҳам ёшларин териб жилади.* [2.79]



Достоннинг бадииятини таъминлаб турувчи “От таърифи” лавҳасида отга нисбатан кўпроқ ўхшатиш, сифатлаш каби бадиий тасвир воситалари ишлатилса, от ва табиат орасидаги мутаносибликни ифодаловчи юқоридаги каби лавҳалар давомида биз жонлантириш, муболаға, бўрттириш каби бадиий тасвир воситаларининг гўзал намуналарини кўрамиз:

Тўғи ерларни ҳам бузиб кетди,  
Осмондаги булутлар ҳам тўзиб кетди.  
Жонивор бурилиб ўзини отди,  
Шамоли қизларни учириб кетди. (“Жорхун Мастон”дан)  
Сийёгинга қарасам,  
Қирқ олти ботир тўяди.  
Сенинг босган тўёгинг  
Тошни чуқур ўяди.  
Баданингнинг ҳоврига  
Тогларда қовдан куюди.[3. 236]

Хулоса қилиб айтганда достонларимиздаги жанговар от образи тасвири бахшининг юксак тафаккури, бадиий маҳоратини намоён қилувчи образлардан биридир.

#### **Адабиётлар рўйхати:**

1. Алпомиш. Фозил Йўлдош ўғли варианти. – Тошкент: Шарқ, 1988. – Б. 316.
2. Жорхун Мастон. Айтувчи Қ.Раҳимов. Ёзиб олиб, нашрга тайёрловчилар: М.Муродов, А.Эргашев.//Нурали. Достонлар. – Тошкент: 1989. – Б. 74, 79.
3. “Нуралининг ютилиши” достонидан. Кўрсатилган тўплам. – Б. 236.

### **ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШИ ВА ЛИСОНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ**

Рузиева Нафиса Зарифовна  
Бухоро давлат университети

Тиллар ўқитиш методикаси фани ўқитувчиси  
Тел: 91416-00-26 e-mail:nafisaruzieva1985@gmail.com

**Аннотация:** Ушбу мақола икки қардош бўлмаган тил, яъни инглиз ва ўзбек тилларида эвфемизмларнинг сўздаги ўрни, тилдаги ноқулай ва қўпол бўлган сўзларни юмшатиш ва тилни маданий бой қилиш вазифаларини кўрсатган ва шу билан бирга тилшуносликнинг социолингвистика, лингвокультурология, лингвокогнитология каби йўналишларини ривожланишига улкан ҳиссаси ҳақида олиб борилаётган илмий тадқиқотларни таҳлил қилишга бағишланган.

**Калит сўзлар:** эвфемизм, тилшунослик, социолингвистика, лингвокультурология, лингвокогнитология, тадқиқот, эмоционал – экспрессив хусусиятлар.

### **ИЗУЧЕНИЕ ЭВФЕМИЗМОВ И ИХ ЯЗЫКОВЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ НА АНГЛИЙСКОМ И УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКАХ**

Рузиева Нафиса Зарифовна  
Бухарский государственный университет